

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

277 «Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1922-2*

(2012 йил 26 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ–1675-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 561-модда) қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 23 февралдаги

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

8-сон буйруғи (рўйхат рақами 1922, 2009 йил 18 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 12-сон, 135-модда) билан тасдиқланган «Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 28 май,
43-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2012 йил 28 майдаги
43-сон буйруғига
ИЛОВА

«Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисида»ги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2 ва 3-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Пахта толасини чет эл валютасига экспорт қилишда ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи (кейинги ўринларда ҚҚС деб юритилади) солинади. Пахта толасини республика ички корхоналарига сотишда 20 фоизли ставка бўйича ҚҚС солинади.

3. Пахта толасининг ички нархи қуйидагича аниқланади:

экспортга сотиш учун мўлжаллангани — ҚҚСни ноль даражали ставкани ҳисобга олган ҳолда;

республика корхоналарига сотиш учун мўлжаллангани — ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 20 фоизли ставка бўйича.».

2. 5-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5. Пахта толасининг ички ва сотилган нархлари ўртасидаги фарқ хар ойда «Пахтасаноат» ҚАБ томонидан қуйидагича аниқланади:

экспортга сотишда — ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда пахта толасининг ички ва экспортга сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқнинг ҳисоб-китоби бўйича;

республика ички корхоналарига сотишда — ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда республика корхоналарига пахта толасини ички ва

сотилган нархлари ўртасидаги ижобий (салбий) фарқнинг ҳисоб-китоби бўйича.».

3. 12 — 14-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ижобий фарқ суммаси солиқ солиш объекти ҳисобланмайди ва 50 фоизгача бўлган миқдорда — пахтачилик фермер хўжаликларига кейинчалик бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга йўналтирилган ҳолда кредиторлик қарзини сўндириш учун, қолган қисми — «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналарининг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзини сўндиришга йўналтирилади.

Фермер хўжаликларида Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида, шунингдек хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг ташкилотларидан қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда маблағлардан «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзнефтмаҳсулот» АК, «Ўзагроماشсервис» уюшмаси, «Агротехсервис» МЧЖ, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК, «Ўзмашлизинг» ШК ташкилотларига олдиндан ҳақ тўлаш учун фойдаланилади.

13. «Пахтасаноат» ҲАБ маблағлар тушишига кўра, 1 иш куни давомида махсус ҳисоб рақамидан Жамғарманинг тегишли ҳисоб-рақамларига маблағларни қуйидагича ўтказди:

кейинчалик бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга йўналтирилган ҳолда кредиторлик қарзини сўндириш учун пахтачилик фермер хўжаликларига йўналтириш учун;

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналарининг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзини сўндириш учун.

14. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида қарздорлиги мавжуд бўлмаган «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналари бўйича ижобий фарқ суммаси «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг махсус ҳисоб рақамига йўналтирилади.

«Ўзпахтасаноат» уюшмасининг махсус ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар қолган «Пахтасаноат» ҲАБларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарздорлигини қоплашга пропорционал равишда йўналтирилади.».

4. Илова мазкур ўзгартиришларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ таҳрирдаги 1 ва 2-иловалар билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан келишилган.

**«Ўзпахтасаноат»
уюшмаси раиси**

Ф. ОМОНОВ

2012 йил 25 май

Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Пахта толасининг ички ва экспортга сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқнинг ҲИСОБ-КИТОБИ

20__ йил «__» _____ дан 20__ «__» _____ гача даврда

№		Ҳисоб-фактуранинг рақами ва санаси	Миқдори	Сотиш нархи	Ички нархи*	Ижобий фарқ суммаси	
						1 тоннага	жами ҳажмга
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	«Ўзинтеримпэкс» ТСК						
2.	«Ўзмарказимпэкс» ТСК						
3.	«Ўзпромашимпэкс» ТСК						
4.	ЎзРТХБ орқали						
	Жами						
	Олдин ҳисобланган ижобий фарқ суммаси бўйича қарздорлик						
	Ҳаммаси						
	Шундан республика корхоналари бўйича ҳосил бўлган салбий фарқни қоплашга йўналтирилаётган сумма						
	Махсус ҳисоб рақамига ўтказиладиган сумма						

* Ички нарх = Прейскурант нархи (ҚҚС ни ноль ставкасида) + Сотиш харажатлари + «Пахтасаноат» ҲАБнинг комиссия харажатлари

».

Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

«Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Республика корхоналарига пахта толасини ички ва сотилган нархлари ўртасидаги ижобий (салбий) фарқнинг ҲИСОБ-КИТОБИ

20__ йил «__» _____ дан 20__ «__» _____ гача даврда

№		Ҳисоб-фактура-нинг рақами ва санаси	Миқ-дори	Сотиш нархи	Ички нархи*	Ижобий фарқ суммаси		Салбий фарқ суммаси	
						1 тоннага	жами ҳажмга	1 тоннага	жами ҳажмга
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	«Ўзинтеримпэкс» ТСК								
2.	«Ўзмарказимпэкс» ТСК								
3.	«Ўзпромашимпэкс» ТСК								
4.	ЎзРТХБ орқали								
	Жами								
	Олдин ҳисобланган ижобий фарқ (салбий) суммаси бўйича қарздорлик								
	Ҳаммаси								
	Шундан республика корхоналари бўйича ҳосил бўлган салбий фарқни қоплашга йўналтирилаётган сумма								
	Махсус ҳисоб рақамига ўтказиладиган сумма								

* Ички нарх = Прейскурант нархи (ҚҚС ни 20 фоиз ставкасида) + Сотиш харажатлари + «Пахтасаноат» ҲАБнинг комиссия харажатлари

».